

ТАНОСИЛ КАСАЛЛИГИНИ ТАРҚАТИШ ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

Рўзиев Иззатулло Неъматуллоевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Олий таълимдан кейинги таълим

факультети таянч доктарантура докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15429492>


Барча замонларда ва барча маданиятли халқлар орасида инсон саломатлиги энг олий қадирят бўлиб, у инсон ҳаётининг асосини ташкил этган. БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 25-моддасида, ҳар бир инсоннинг ўзи ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланган. ЖССТнинг “Низоми”да “Хукуматлар ўз халқларининг соғлиғи учун жавобгардир ва бу масъулият тегишли ижтимоий ва соғлиқни сақлаш чораларини кўришни талаб қилади” деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида 48-моддасида ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақлилиги, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўриши белгиланган.

Шахс ҳаётини ҳамда соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа шахсга таносил ёки ОИВ касаллигини юқтиришга қаратилган қилмишлар учун Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисми III бобида жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бошқа шахсга таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланиб, ушбу қилмишни содир этиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 113-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Нима сабабдан жиноят ҳуқуқида Таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш хавф остида қолдириш ёки юқтириш мустақил жиноят сифатида белгиланган? деган саволга жавобни мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини таҳлил қилиш орқали топиш мумкин. Қилмишнинг жиноийлигини белгилдовчи асосий омил унинг ижтимоий хавлилиги ҳисобланади.




Зеро, қилмишни криминализация қилиш тўғрисидаги масала юзасидан фикр билдирган олимларнинг кўпчилиги ҳар қандай жиноятнинг ажралмас белгиси сифатида унинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатадилар . Шу нуқтаи назардан, Таносил ёки ОИВ касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки юктиришни криминализация қилишнинг асосий омилларидан бири, унинг ижтимоий хавфлилиги ҳисобланади, жиноят ҳуқуқи назариясида ижтимоий хавфлилик қилмишнинг зарурий белгиси ҳисобланади, бироқ ушбу белги қилмишни криминализация қилиш учун етарли эмасдир.

Ижтимоий хавфлилик категорияси жиноят ҳуқуқи назариясида бир неча ўн йиллар давомида баҳсларга сабаб бўлиб келаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, бунинг сабаби шундаки ижтимоий хавфлилик категорияси ҳақида олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Юридик адабиётларда ижтимоий хавфлиликнинг тузилиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Кўпчилик олимлар, ижтимоий хавфлилик бу тажовузни тавсифловчи барча белгиларнинг йиғиндиси деб ҳисобланади .

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унинг миқдорий кўрсаткичи бўлиб, у етказилган зарарнинг ҳажми, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, жиноий ҳаракатнинг босқичи (тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш ёки охирига етказилганлиги), жиноятда бир нечта шахс иштирок этганлиги, унинг содир этиш усули, жиноят содир этишда қурол қўлланилганлиги ва айбнинг хусусиятлари каби омилларга асосланиб баҳоланади .

Қ.Р.Абдурасулованинг фикрига кўра, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шахснинг содир этган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги, унинг оқибатлари ҳамда айбдорнинг жамият учун хавфлилик даражаси билан белгиланади . М.Х. Рустамбаев эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг кенг тарқалганлиги билан белгиланиши тўғрисидаги фикрни илгари сурган .

Бизнинг фикримизча, шахснинг ижтимоий хавфлилиги (ўта хавфли ёки хавфли рецидивист ҳолатларидан ташқари) ёки унда қандайдир жиноий қилмишни содир этиш истагининг пайдо бўлиши бирон-бир жиноий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. Шунинг учун ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши, яъни объектив томондан ижтимоий хавфлилик, амалдаги жиноят қонунчилигига кўра жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳисобланади.



Ижтимоий хавфни англаш оддий тушунча бўлиб, унда ҳеч қандай мураккаблик йўқ. Жиноий жавобгарлик ёшига етган ва ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш қобилиятига эга бўлиши ва шунга мос равишда ижтимоий хавфли қилмиш содир этишдан тийилиши лозим.

Таносил касалликлари жинсий касалликлар гуруҳига кирадиган, хавфли юқумли касалликдир. Бу касаллик вируслар, паразитлар ёки замбуруғлар орқали келиб чиқади. Ушбу касаллик нафақат шахснинг соғлигига, оила, жамият ва иқтисодиётга ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Н.Е.Москалева фикрича таносил касалликлари хавфли юқумли касалликлар қаторига кириб, миллат саломатлигига жиддий зарар етказади.

С.С.Власенко ҳам таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтиришнинг ижтимоий хавфлилигини касалликнинг хавфлилиги билан боғлиқ дея ҳисоблайди. Хусусан, муаллифнинг фикрига кўра, ушбу касалликларнинг ўта зарарлилиги, уларнинг инсон ўлими, ногиронлик ва аҳоли саломатлигига тиклаб бўлмас зиён етказиши каби оқибатлари мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини белгилайди.


Таносил касалликларининг ижтимоий хавфлилиги унинг тиббий белгиларида ҳам намоён бўлади.

Изоҳли луғатларда таносил “араб тилида” кўпайиш, урчиш, болалаш сўзларидан ташкил топганлиги, биологик жинсга оид касалликлар, жинсий аъзолар касалликлари маъноларини англатиш келтирилган

Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар турлари кўп бўлиб, бу касалликларнинг барчаси ҳам жиноят ҳуқуқида ижтимоий хавфли ҳисобланмайди. Тиббиётда жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг ижтимоий хавфлилиги, касалликнинг инсон соғлиғи учун келтириб чиқарадиган оқибатларнинг оғирлиги, жамият учун хавфлилиги, туғиладиган фарзандларга зарарини ҳисобга олиб, жинсий йўл билан юқадиган касалликларининг бир нечтасини бир гуруҳга киритилган

Тиббиёт соҳасида тан олинган ва расман таносил касаллиги (Жинсий йўл билан билан юқадиган инфекциялар) сифатида тасдиқланган асосий таносил касалликлар қўйдагилардан иборат:

- Захм (сифлис);
- Сўзак (гонорея);
- Юмшоқ шанкр (шанкرويد);



-Венерик лимфогранулематоз;

-Венерик гранулема (чов) .

Ушбу касалликлар вақтинчалик ноқулайликлардан тортиб, ҳаёт учун жиддий таҳдид соладиган ҳолатларгача олиб келади.

Дунёда ҳар куни 1 миллиондан ортиқ олам жинсий йўл билан юқадиган касаллик билан касалланади. Биргина 2020 йилнинг ўзида 15-49 ёшдаги одамлар орасида таносил касалликларининг тўртта тўрлари (Захм, Сўзак, Юмшоқ шанкр, Венерик лимфогранулематоз) 374 миллионга янги касаллик қайт этилган. 2022 йилда тахминан 1,1 миллион ҳомиладор аёл захм билан касалланган, бунинг натижасида 390 000дан ортиқ салбий туғилиш ҳолати кузатилган .

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таносил касаллигининг ижтимоий хавfli бўлиб, хавfliлиги бир нечта кўринишларда намоён бўлади, масалан:

Аҳоли саломатлиги учун хавф:

- таносил касаллиги кенг тарқалганда, бу аҳоли орасида бошқа касалликларнинг ҳам кўпайишига сабаб бўлади (ОИВ, гепатит ва ҳоказо).

- таносил касаллигини ўз вақтида даволанмаганда, бепуштлик, тўғриқ муаммолари ва ҳатто ногиронликка олиб келиши мумкин.

Авлод соғлиғига хавф:

-агар ҳомиладор аёл таносил касаллигига чалинган бўлса, у инфекцияни ҳомилага юктириши мумкин.

-бу ҳолат туғма нуқсонларга, чақалоқлар ўлимига ва оғир туғруқ асоратларига сабаб бўлади.

Иқтисодий зарар:

-таносил касалликларни даволаш, текшириш, ташхис қўйиш ва назорат қилиш учун давлат бюджети ва фуқароларнинг маблағларини талаб этади.

-беморлар меҳнат қобилиятини йўқотиши натижасида меҳнат бозорида самарадорлик пасаяди.


-бу эса ижтимоий суғурта ва тиббий ёрдам тизимига юклamani оширади.

Жамиятдаги ахлоқий ва маданий инқироз хавфи:

-таносил касалликларининг кўпайиши кўпинча ахлоқий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик билан боғлиқ;

-бу жамиятнинг маънавий асосларига зарар етказади.

Давлат сиёсати ва соғлиқни сақлаш тизимига таъсири:



-давлат соғлиқни сақлаш тизими ушбу касалликларга қарши кенг қамровли профилактика дастурларини ишлаб чиқиши керак бўлади.

-агар бу касалликлар эпидемия даражасига етса, халқаро обрўга ҳам таъсир қилиши мумкин. Демак, ҳар қандай жиноят сингари таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки ёқтиришнинг ижтимоий хавфлилиги шахснинг соғлигига ва ҳаётига тажовуз тажовуз қилишда намоён бўлади.

